

Педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Эльмира Омоновна Хамракулова
Жиззах политехника институти

Аннотация: Мазкур мақола таълим тизимида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари кўрсатиб ўтилган. Негаки, барча соҳаларда бўлганидек, бугунги глобаллашув жараёни таълим-тарбия соҳасига ҳам турли даражада ўз таъсирини ўтказмоқда. Жумладан, билим олиш ва ундан фойдаланишни ўзлаштиришга, ахборот технологияларидан восита сифатида фойдаланашни ўзлаштиришга, замонавий таълим тизимида педагогнинг тайёргарлик, ўқув ва илмий фаолият интеграцияси, олий таълим муассасаларининг талаба-ёшларни тарбиялашга оид асосий вазифалар келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, педагогик фаолият, илм-фан ютуқлари, тараққиёт, ривожланиш динамикаси, педагогик жараён.

Peculiarities of the use of pedagogical technologies

Elmira Omonovna Khamrakulova
Jizzakh Polytechnic Institute

Abstract: This article addresses the specifics of the use of pedagogical technologies in the education system. Because, as in all areas, today's globalization process has a different impact on education. In particular, the main tasks related to the acquisition and use of knowledge, the use of information technology as a tool, the integration of teacher training, teaching and research activities in the modern education system, the education of students of higher education institutions.

Keywords: education, upbringing, pedagogical activity, scientific achievements, development, development dynamics, pedagogical process.

Маълумки жамият ҳаётида турли ҳодиса ва воқеаларнинг фойдаланишига эътибор қаратсак, уларнинг замирида таълим-тарбия, аниқроғи унинг натижаси сифатида бирон бир хулқ шаклини фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Бу ўз навбатида таълим-тарбия жараёнини режалаштирувчи ва бошқарувчи, таъминловчи ва такомиллаштирувчи ўқитувчи ва мураббийларнинг ролига эътибор қаратишни тақозо этади. Президентимиз Ш.Мирзиёев ўқитувчи ва

мураббийлар куни муносабати билан билдирган табрик нутқида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб “Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврида қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожини билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмади”[1] деб таъкидлаганлар. Ўқитувчи ва мураббийлар мутахассис шахсини таъминлашда фидоий кўрсатувчи инсонлар ҳисобланади.

Усул ва услублар

Таълим тизимида мутахассис шахсини тарбиялаш узлуксиз таълимнинг муҳим босқичи доирасидаги вазифалардан ҳисобланади. Бу босқич доирасида шахсининг ҳаётини дунёқарашининг шаклланиши таъминланиб, онгли равишда ўз-ўзини тарбиялаш босқичига ўтилади. Шу сабабдан таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия жараёнларини йўлга қўйишда мажмуавий ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, таълим-тарбия жараёни ва талабаларнинг илмий-тадқиқот тайёргарлиги билан ягона шаклда таъминлаш лозим бўлади. Тарбиявий, ўқув ва илмий ишларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги мутахассиснинг ижтимоий ва касбий омилкорлигини белгиловчи фазилат, қадриятли мўлжалларнинг бир бутун яхлитлиги билан белгиланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача - таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик.

...Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир!”

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак” [2]. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим соҳасига бўлган муносабат позитив томонга ўзгариб, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами кенгайиши билан бирга, кўрилаётган чоратadbирлар натижасида илм-фан ва таълимда кўплаб ўзгаришлар содир бўлди.

Олинган натижалар

Замонавий таълим тизимида педагогнинг тайёргарликнинг фундаменталлиги, умумий ва касбий маҳоратнинг асосий қадриятларига таяниши, табиий ва гуманитар фанлар соҳасидаги билимларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўқув ва илмий фаолият интеграцияси, таълимнинг академик эркинлиги ва илгарилаб боровчи характери асосий ўрин тутади. [3, 56] Мазкур вазифани социал психолог олим А.Реан олий таълим муассасалари битирувчилари кифоасидаги мутахассиснинг назарий моделида қуйидагича изоҳлайди [4, 87-88]:

- таълим муассасаларида ёшларнинг ақлий, эмоционал-иродавий, жисмоний, ахлоқий ва рухий хусусиятларини ривожлантиришда касбий билимларга эга бўлишларида назарий билим ва амалий фаолиятга ундовчи ахборотларни бериш, инновацион ахборот технологияларини ўргатиш, хорижий тилларни ўзлаштиришларига имконият яратиш, жараён ҳамда тизимларни таҳлил қила олишга йўналтириш, амалий ҳаракатчанлик ва касбий фаолиятига мослашувчанлик малакаларини шакллантириш;

- жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобат бардош, ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи баркамол шахсни шакллантириш;

- касбий маҳоратни белгиловчи фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини узлуксиз ва узвий, босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш;

- таълим олувчиларда меҳнатсеварлик, қизиқувчанлик, интизомлилик, ташаббускорлик, ижодий фикрлаш ва ташкилотчилик сифатларини шакллантириш;

- таълим олувчиларга ўзининг ижтимоий жамиятдаги роли ва ўрнини англаб етиш, ўзлаштириши зарур бўлган билим ва фаолият тажрибасини ўзлаштириш, мақсадни кўра билиш, фаолиятни режалаштириш, унинг мазмунини таҳлил қилиш, ахборот воситалари ва технологиялари ёрдамида мустақил ишлаш, жамоада турли хил маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни билиш;

- маънавий, мотивациявий, ақлий ва амалий жиҳатдан ўзини ривожлантириш, иродавий ва ҳиссий жиҳатдан ўз-ўзини бошқара олиш кўникмаларини шакллантириш;

- бўлажак етук мутахассисларда, яъни касбий маҳоратни эгаллаган ёшларда жамоатчилик, миллатлараро дўстлик, инсонпарварлик, ўзгаларни тушуна олиш, ҳар қандай вазиятларда муаммоларни тўғри ҳал қила олиш, ҳар

бир бажариладиган ишнинг натижасини олдиндан кўра олиш ва тўғри хулосалар чиқара олиш, ўз устида доимий ишлаб янгиликлардан бохабар бўлиб бориш каби фазилатларни тарбиялашдан иборат.

Олий таълим муассасаларининг талаба-ёшларни тарбиялашга оид асосий вазифалар:

- тарбиянинг юксак сифати ва самарадорлигини таъминлаш;
- тарбия мазмуни, шакли ва усуллариининг қўйилган мақсад ва вазифаларга уйғун бўлиши;
- олий таълимнинг барча муассасларида, барча босқич ва академик гуруҳларда педагогик талабларнинг тизимли ва ягоналиги;
- ушбу жараёнларда шахснинг индивидуал ҳамда касбий манфаат ва қизиқишларининг эътиборга олиниши;
- таълим олувчиларда бўлган ижодий қобилиятларнинг рўёбга чиқишига имкон берадиган ҳамда уни ривожлантирадиган шарт-шароитларни яратиш, уларни ўз қизиқиш ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ранг-баранг ижтимоий аҳамият касб этадиган фаолият турларига жалб этиш;
- тарбиявий ишларнинг ҳар қандай шакли, кўринишлари, босқичларида узвийлик ва узлуксизликка қатъий риоя қилиш, бунда талаба ёшларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини эътиборда тутиш;
- ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ижтимоий жиҳатдан ҳавfli ҳолатга тушиб қолган ёшларнинг мазкур муҳит ва шароитдан қутилиши учун ёрдамлашиш;
- олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган ёшлар бирлашмалари, жамиятлари, ҳаракатлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббускорлигини янада ривожлантиришдан иборат.

Маънавий-ахлоқий тарбия воситаси сифатида ўқитувчининг шахсий намунаси ва обрўси, академик бирлашмалардаги анъана ва қадриятлар, олий таълим муассасасидаги муҳитнинг инсонпарварона эканлигига хизмат қилиши мумкин. Зеро, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан комил шахсгина ижобий тарбиявий таъсир кўрсатишга қобил бўлиб, фақат мутахассис сифатида етилган кишигина талабага ўзи танлаган касбдан фахрланиш ҳамда ўзининг касбий-ижодий ўзлигини намоён қилишга ҳаракат қилиш туйғусини юқтира олади.

Хулоса ёки тавсиялар

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш жараёнининг бошланғич нуқтаси профессор-ўқитувчилар таркибининг сифати ҳақидаги ғамхўрликдан, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар томонидан ҳуқуқий ва ахлоқий-маънавий мезонларга риоя қилинишидан, хулқ-атвор ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишидан, касбий ҳамда илмий ахлоқ қоидаларига сўзсиз бўйсунушдан иборат бўлмоғи

лозим. Ўқитувчининг тарбияловчи миссияси унинг хулқ-атвори ва фаолияти, ташқи кўриниши, нутқ оҳанги, муомаласи ва педагогик маҳоратида намоён бўлади. Талабаларнинг ўқитувчидан маъруза, семинар машғулотлар вақтида олган билимлари аудиториядан ташқарида уларнинг интеллектуал ҳамда маънавий ривожланишининг бош манбаи бўлиб хизмат қилади.

Педагогик фаолиятни такомиллаштиришнинг технологиялари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ижтимоий-психологик, ташкилий, интеллектуал-когнитив, махсус-касбий каби тайёргарликларга эришиб бориш;
- касбий билимлар доирасини замонавий билимлар билан кенгайтириб бориш;
- касбий маҳоратни ошириш йўли билан ҳурматга эришишни таъминлаш;
- қобилиятларни ривожлантириб, касбий вазифаларни мақбул тарзда (муҳимлиги, даражасини инобатга олган ҳолда) тақсимлаб бажариш;
- копинг хулқни шакллантириш;
- ўз ўзини касбий диагностика қилиб бориш;
- коррекциявий вазифаларни белгилаб олиш техникасини ўрганиб, уни тадбиқ этиш ва б.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Худойбердиев Ж. и др. Эксплуатация қилинаётган автомобиль йўллари кўприклари темирбетонли оралиқ қурилмаларини диагностикалаш усулларини такомиллаштириш //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 276-281.
2. Khudoyberdiev J. et al. Basis of monitoring of reinforced concrete bridges //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 126-131.
3. Khudoyberdiev J. et al. Dynamic testing of reinforced concrete bridges //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 120-125.
4. Xudoyberdiyev J. Z. Mamlakatimizda loyihalananayotgan ko'priklar qurilish ashyolarini, innovatsion yechimlarini ishlab chiqish va tatbiq etish //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 263-270.
5. Худойбердиев Ж. З., Шохрух У. Ў. А. Республикамиздаги автомобиль йўлларида ишлатиладиган грунтларнинг зичлик нормалари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 401-407.6. Khudoyberdiev J. Z., Urazov A. M. THE DENSITY STANDARDS OF THE MOTORWAY GROUNDS //ББК 1 Р76. – 2019. – С. 107.
6. Товбоев Б. Х. и др. Проектирование цементбетонных дорожных покрытий в условиях сухого и жаркого климата //Молодой ученый. – 2016. – №. 6. – С. 208-210.

7. Товбоев Б. Х., Юзбоев Р. А., Зафаров О. З. Влияние конструктивных решений на трещиностойкость асфальтобетонных слоев усиления // Молодой ученый. – 2016. – №. 1. – С. 227-230.
8. Амиров Т. Ж., Зафаров О. З., Юсупов Ж. М. Трещины на асфальтобетонных покрытиях: причины образования и отрицательные последствия // Молодой ученый. – 2016. – №. 6. – С. 74-75.
9. Olmos Z., Elbek U. Main parameters of physical properties of saline soils along highways // Problems of Architecture and Construction. – 2020. – Т. 2. – №. 4. – С. 150-151.
10. Худайкулов Р. М., Каюмов А. Д., Зафаров О. З. Оценка влияния фильтрационного выщелачивания на свойства засоленных грунтов основании земляного полотна // Университетский комплекс как региональный центр образования, науки и культуры. – 2020. – С. 423-430.
11. Зафаров О. З., Эргашев Х. Х. Влияние капиллярного увлажнения на плотность засоленных грунтов // Academy. – 2021. – №. 5 (68). – С. 3-5.
12. Kayumov A., Zafarov O., Kayumov D. Water flow to the earth ground soil of automobile roads from atmospheric sediments // Problems of Architecture and Construction. – 2019. – Т. 2. – №. 1. – С. 103-107.
13. Hudaykulov R. et al. Filter leaching of salt soils of automobile roads // E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 264. – С. 02032.
14. Каюмов А. Д., Зафаров О. З., Каюмов Д. А. Приток воды в грунт земляного полотна автомобильных дорог от атмосферных осадков // ME' MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI. – 2019. – С. 103.
15. Kayumov Abdubaki Djalilovic A. D., Zafarov O. Z., Saidbaxromova N. D. Basic parameters of physical properties of the saline soils in roadside of highways // Central Asian Problems of Modern Science and Education. – 2019. – Т. 4. – №. 2. – С. 30-35.
16. Зафаров О. З., Ирискулова К. Автомобиль йўллари лойиҳалашда муҳандис-геологик қидирувларни ўзига ҳослиги // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 180-186.
17. Зафаров О. З., Махкамов З. Т. изучение влияния капиллярного увлажнения на плотность засоленных грунтов // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 328-333.
18. Zafarov O. Z. et al. Avtomobil yo'llari maydonlarining zichlik standartlari // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 287-292.
19. Зафаров О. З., Бобожонов Р. Т., Мардиев А. Муҳандис-геологик қидирув ишлари ташкил этиш // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 320-327.

20. Зафаров О. З., Мустафоқулов М. М. Ў., Оқилов З. О. Ў. Йўл пойининг ишончлилигини таъминлаш //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 305-311.
21. Zafarov O. Z., Murtazaev B. A. Mamlakatimiz hududlaridagi avtomobil yo‘llarini zamonaviy ko‘kalamzorlashtirish //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 279-286.
22. Zafarov O. Z., Irisqulova K. N. Q. Modern technologies of road construction //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 312-319.
23. Irisqulova K. N., Zafarov O. Z. CONSTRUCTION OF HIGHWAYS IN SALINE SOILS //Academy. – 2021. – №. 8 (71). – С. 27-29.
24. Хамрақулова Э. О. Изучение состояния вопроса утилизации строительных отходов из бетонных и железобетонных конструкций в Узбекистане //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 393-400.
25. Хамрақулова, Е. О. (2022). TEXNIKA FANLARINI O‘QITISHDA AXBOROT-KOMMUNIKATIV TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 177-182.
26. Omonovna H. E. CHARACTERISTICS OF USING PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION SYSTEM //Academy. – 2020. – №. 12 (63).
27. Исроилов О. Б. «ПОМИДОР»-МЕТОДИКА, КОТОРАЯ УСКОРЯЕТ ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ, ПОВЫШАЕТ КАЧЕСТВО ОБУЧЕНИЯ И САМООБУЧЕНИЯ //Academy. – 2020. – №. 12 (63).
28. Хидоятуллаев Х. Х. Автомобил йўллари тоннелларини оқава ва сизот сувларидан сақлаш //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 255-262.
29. .А.Х.Ўроқов. Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш технологиялари. Т. ТАЙЛҚЭИ. ХТ “Ризаев М.Х.”. 2019.264б.
30. Уришбаев Э. Э. У. МЕТОДИКА УЛУЧШЕНИЯ СВОЙСТВ ДОРОЖНОГО БИТУМА С ПРИМЕНЕНИЕМ МИНЕРАЛЬНОГО ПОРОШКА ИЗ ПРИРОДНОГО СЛАНЦА //Academy. – 2020. – №. 12 (63).
31. Olmos Z., Elbek U. MAIN PARAMETERS OF PHYSICAL PROPERTIES OF SALINE SOILS ALONG HIGHWAYS //Problems of Architecture and Construction. – 2020. – Т. 2. – №. 4. – С. 150-151.
32. Уришбаев Э. Э. Ў., Махамматов Ш. Д. Ў., Равшанов М. З. Ў. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган боғловчи битум материалларининг хусусиятлари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 382-388.
33. Urishbayev E. E. O. G. L. Effect of mineral powder extracted from mountain ash on asphalt concrete mixtures //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 230-235.

34. Urishbayev E. E. O. G. L. Direct effects on roads in the process of development of transport logistics in Uzbekistan // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 271-275.
35. Urishbayev E. E. O. G. L. Direct effects on roads in the process of development of transport logistics in Uzbekistan // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 271-275.
36. Эрбоев Ш.О. Темир йўл кўприкларига носозликларни аниқлаш // Тошкент темир йуллари мухандислик институти АХБОРОТИ чорак журнали Toshtymi AXBOROT №2 / 2015. 28-31 б.
37. Ганиев И. Г., Соатова Н.З., Эрбоев Ш.О. Автомобил йўллари кўприклари бетон ва арматурасида коррозия жараёни // Научных труды республиканская научно - технический конференции с участием зарубежных ученых «Ресурсосберегающие технологии на железнодорожном транспорте» Тошкент 23 декабр 2010 г. – 77-79 б.
38. Уткин В.С., Уткин Л.В. Определение надежности железобетонных элементов при наличии в них силовых трещин, нормальных к продольной оси // Бетон и железобетон, 1990. - №1(496). – 15-17 б.
39. Ишанходжаев А.А., Эрбоев Ш. О. Классификация пролетных строений по прочности при сейсмических воздействиях // «Меъморчилик ва курилиш муаммолари» Сам ДАКИ №4/2018. – 16-18 б.
40. Эрбоев Ш.О. Оценка эксплуатационной пригодности элементов пролетных строений // Механика муаммолари» №1/2010. – 47-49 б.
41. Erboyev Sh. O. Organizational and structural measures to improve the process of operation concrete span // European science review № 9–10 September–October Vienna 2016. – 184-186 б.
42. Равшанов Ж. Р. У. Ремонтные работы на автомобильных дорогах с цементно-бетонным покрытием // Academy. – 2021. – №. 5 (68). – С. 18-21.
43. Ravshan o'g R. J. et al. Basic parameters of physical properties of the saline soils in roadside of highways. the density standards of the motorway grounds // Technium Conference. – 2021. – Т. 8. – С. 27.03. 2021-13: 00 GMT (6 min).
44. Ravshan o'g R. J. et al. The impact of road pavement condition on the quality of summer time accommodation // Technium Conference. – 2021. – Т. 8.
45. Товбоев Б., Юзбоев Р., Равшанов Ж. Применение многослойных (трехслойных) пластинок в транспортных зданиях и сооружениях // Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 287-293.
46. Равшанов Ж. Р. Ў. Автомобил йўлларида ишлатиладиган асфалт қоришмалардан фойдаланиш хусусиятлари // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 255-260.

47. ўғли Равшанов Ж. Р. и др. Автомобил йўлларида ишлатиладиган асфалт қоришмалардан фойдаланиш хусусиятлари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 255-260.

48. Равшанов Ж. Р. Ремонтные работы на автомобильных дорогах с цементно-бетонным покрытием.

49. Уришбаев Э. Э. У. МЕТОДИКА УЛУЧШЕНИЯ СВОЙСТВ ДОРОЖНОГО БИТУМА С ПРИМЕНЕНИЕМ МИНЕРАЛЬНОГО ПОРОШКА ИЗ ПРИРОДНОГО СЛАНЦА //Academy. – 2020. – №. 12 (63).

50. Olmos Z., Elbek U. MAIN PARAMETERS OF PHYSICAL PROPERTIES OF SALINE SOILS ALONG HIGHWAYS //Problems of Architecture and Construction. – 2020. – Т. 2. – №. 4. – С. 150-151.

51. Уришбаев Э. Э. Ў., Махамматов Ш. Д. Ў., Равшанов М. З. Ў. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган боғловчи битум материалларининг хусусиятлари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 382-388.

52. Urishbayev E. E. O. G. L. Effect of mineral powder extracted from mountain ash on asphalt concrete mixtures //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 230-235.

53. Urishbayev E. E. O. G. L. Direct effects on roads in the process of development of transport logistics in Uzbekistan //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 271-275.

54. Urishbayev E. E. O. G. L. Direct effects on roads in the process of development of transport logistics in Uzbekistan //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 271-275.

55. Мурадов З. М. Исследование прочности бетона с учетом нелинейности деформирования с помощью современных средств электроники //Academy. – 2020. – №. 12 (63).

56. Каракулов Х. М., Муродов З. М. Базальт—основа современных композитных строительных материалов //ббк. – 2019. – Т. 1. – С. 121

57. Муродов З. Обеспечение теплофизических свойств оконных конструкций //Advances in Science and Technology. – 2019. – С. 173-174.

58. Каракулов Х. М. и др. Технологические методы улучшения долговечности бетонов в условиях сухого жаркого климата Узбекистана на примере Джизакской области //БСТ: Бюллетень строительной техники. – 2020. – №. 8. – С. 24-26.

59. Мурадов З. М. К расчёту прочности бетона с учетом нелинейности деформирования на основе механики разрушения //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 367-374.

60. Эрбоев Ш. О. и др. Кўприк таянчлари юк кўтариш қобилиятини аниқлашнинг усуллари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 241-246.

61. Ochiltoshevich E. S. Organizational and structural measures to improve the process of operation concrete span //European science review. – 2016. – №. 9-10.

62. Ганиев И. Г., Эрбоев Ш. О. Результаты обследования и испытания эксплуатируемых пролетных строений железнодорожных мостов в условиях сухого жаркого климата //Проблемы прочности материалов и сооружений на транспорте: Тезисы VII Международной конференции. – 2008. – Т. 23. – С. 24.

63. Muminov A. U. et al. Mamlakatimizda yo'llarni qurish va ta'mirlashda asfaltbeton zavodlarning o'rni //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 146-153.

64. Товбоев Б.Х., Юзбоев Р.А. К расчёту элементов транспортных сооружений, работающих в нестационарных условиях //Academy. – 2020. – №. 12 (63).

65. Musayev S. M., Tolliboyev I. I. O. G. L. Groundwater use in Jizzakh region problem //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 238-245.